ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 23 декабр, шанба № 204 (2253)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 30 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 30 декабр дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 22 декабр

## ЎзКУФ Жисмоний тарбия ва спорт жамияти 15 ёшда

# СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

## касаба уюшмалари эътиборида

***Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, бақувват бўлишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг муносиб ҳиссаси бўлиб, унинг ташкил топганига 15 йил тўлди.***

**(Давоми 2-бетда)**



## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида

# МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

***Маълумки, нодавлат секторининг мамлакат ялпи ишлаб чиқаришда ўзига хос салмоқли улуши бор. Бу эса нодавлат сектори фаолияти кенгаяётганидан далолат беради. Унда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни касаба уюшмасига жалб этишнинг аҳволи қандай? Қолаверса, меҳнат муҳофазаси қай даражада таъминланаяпти? Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг II мажлисида айни ана шу масалага атрофлича тўхталиб ўтилди.***

Мажлисни кириш сўзи билан очган Федерация раиси Дилбар Жаҳонгирова ушбу масаланинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Мажлис кун тартибидаги масала юзасидан Федерация раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқовнинг «Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш ва нодавлат сектори ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида Республика касаба уюшмалари органларининг олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги ахбороти тингланди. Маърузачи факт ва рақамларга тўхталар экан, асосий эътиборни мавжуд муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларга қаратди. Жумладан, ҳар бир ишчи-ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминловчи жамоа шартномаларига етарли эътибор берилмаётганлиги жиддий танқид қилинди. Бундан ташқари, нодавлат секторида ва қўшма корхоналарда меҳнат қонунчилигига риоя қилмаслик, меҳнат муҳофазасига иккинчи даражали вазифа сифатида қаралаётгани, меҳнат ресурсларидан нолегал фойдаланиш ҳолатлари ҳамон учраётгани аянчли ҳолдир. Бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун масъул бўлган касаба уюшмаларининг ўрни сезилмаяпти. Маърузада айрим жойларда касаба уюшмага аъзоликнинг афзалликларини тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаётганлиги боис аъзолар сонининг камайиб кетганлиги айтиб ўтилди ва танқидий баҳо берилди. Бундан ташқари, нодавлат сектор ходимларини касаба уюшма аъзолигига жалб этишни кучайтириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг раислигига изланувчан, ташаббускор ёш кадрларни жалб этиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари билан уларни янада тўлароқ қамраб олишга эришиш мақсадида нодавлат сектори, айниқса, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари ходимлари ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.



Музокараларда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Соғиндиқ Ниетуллаев, Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова, «Бухоромебель» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Суннат Субҳонов, Сурхондарё вилояти электр тармоқлари акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Мусурмон Оноров, Ўзбекистон Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурод Собиров, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг раиси Муяссар Раҳимовалар маърузада баён этилган масалаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, касаба уюшмалари фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантиришга оид ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Федерация кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова кун тартибидаги биринчи масала юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни якунлаб, йиғилганлар эътиборини мамлакатимиз иқтисодиётида нодавлат секторининг салмоғи тобора ортиб бораётганига қаратди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Лекин қўшма корхоналар, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва бошқа тармоқларда ишлаётганларнинг катта қисми касаба уюшмасига аъзо эмас. Бинобарин, улар касаба уюшмалари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Шунинг учун давлатимиз томонидан ривожланишга кенг имкониятлар яратиб берилган шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчиларни, касаначиларни ва сервис хизмати ходимларини касаба уюшмаси сафларига тортишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Улар касаба уюшмаси ҳимояси заруратини ҳар қадамда ҳис қилиб турибдилар ва биз уларга пешвоз чиқишимиз лозим. Нодавлат секторида янги касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш борасидаги амалий ишларимиз орқали меҳнаткашларнинг меҳр-эътиборига сазовор бўлишимиз мумкинлигини ҳеч қачон эсдан чиқармайлик.

Бу таклифларни йиғилиш қатнашчилари бир овоздан маъқулладилар ва уларнинг ижроси юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг II мажлиси кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



Сергей БОРЗОВ, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича иккита кумуш медал соҳиби

# ВАТАН ШАРАФИНИ





Юлия БОРЗОВА, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича олтин медал соҳибаси

## СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

### касаба уюшмалари эътиборида

(Боши 1-бетда)

Бугунги кунда жамият сафида 5,5 минг жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари фаолият кўрсатиб, улардан 4 мингга яқини қишлоқларда жойлашган.

Жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзолари 1,4 миллион кишини ташкил этади, 275 минг нафари спорт секцияларида, 380 мингдан зиёди эса соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланиб келмоқдалар.

Жамият томонидан ўтган вақт ичида ярим миллиондан ортиқ оммавий ва биринчи разрядли спортчилари, 9042 нафар спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар, 199 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республика касаба уюшмалари тизимидаги 41 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 12 мингдан зиёд тарбияланувчилар ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Уларга қарийб 530 нафар малакали мутахассис ва мураббийлар таҳсил бермоқда. Ўтган йиллар мобайнида мазкур мактаблар тарбияланувчилари орасидан 126 нафар халқаро тоифадаги, мингдан зиёд спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар тайёрланди.

Шуниси қувонарлики, касаба уюшмалари спортчилари, спорт мактаби тарбияланувчилари Олимпия ва Осиё ўйинларида, турли халқаро мусобақалар ҳамда жаҳон биринчиликларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Чунончи, шу йилнинг 1 — 15 декабр



кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчиларининг шода-шода медаллар билан қайтиши, Ўзбекистоннинг 45 та давлат ичида жами 39 та медал билан 7-ўринни эгаллаши, айниқса, бу ютуқларда касаба уюшмалари спортчиларининг салмоқли улуши борлиги барчамиз учун фахрланарлидир. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибида 32 нафар касаба уюшма спортчилари 12 та тур бўйича иштирок этиб, 14 та — 7 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди. Хусусан, Севара Ғаниева, Зарина Ғаниева, Руслан Наурзалиев ва Владимир Черненко академик эшкак эшиш, Дилшод Мансуров эркин кураш, Юля Борзова байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича олтин медаллар, Гўзал Хуббиева енгил атлетика бўйича олтин ва кумуш медаллар, Сергей Борзов байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича иккита кумуш медал, Равшан Рўзиқулов юнон-рум кураши, Жасур Матчонов бокс бўйича кумуш медаллар, Максим Кирьянов байдарка ва каноэда эшкак эшиш ҳамда Бекзод Хидиров бокс бўйича бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Муҳим сана муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда бир қатор спорт фахрийлари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Фахрий ёрлиғи, бу йилги XV Осиё ўйинларида Республикамиз шарафини ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритган касаба уюшма спортчилари ва уларнинг мураббийлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, малакали спортчилар тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун тизимга қарашли Сув спорти, енгил атлетика, қишки спорт турлари ва от спорти турига ихтисослашган Республика Олимпия заҳираларини тайёрлаш болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Олимпия заҳираларини тайёрлаш Республика болалар ва ўсмирлар комплекс спорт мактаби ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашининг директорлар кенгашига компьютер мажмуалари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Эҳтиром нишони»га сазовор бўлди.

Республика халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Абдулла Очилов томонидан ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгировага «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони ҳамда ЖТСЖ Марказий кенгаши раиси Б. Тожиевга «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони топширилди.

Тақдирланган спорт фахрийлари, Осиё ўйинлари медаллари соҳиблари тадбир сўнггида сўзга чиқиб, касаба уюшмалари томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганликлари учун ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**



Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш бўйича олтин медал соҳиби



Севара ва Зарина ҒАНИЕВАлар, академик эшкак эшиш бўйича олтин медал соҳибалари





Максим КИРЬЯНОВ, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бронза медал соҳиби

**Севара ва Зарина Ғаниевалар, академик эшкак эшиш бўйича олтин медал соҳибалари:**

***— Аввало, ёшлигимиздан оиладаги спортга бўлган алоҳида қизиқиш туфайли ана шундай зафар қозондик. Ота-онамиз Шуҳрат ва Ирина Ғаниевлар ҳаётда ҳам, спортда ҳам ҳамиша маслаҳатгўй, устоз ҳисобланишади. Айни пайтда Сув спортига ихтисослаштирилган Республика Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият кўрсатаяпмиз. Олган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаб, юртимиз шарафини ҳамма вақт ҳимоя қилишга муносиб ҳиссамизни қўшсак деймиз. Бу бизнинг энг катта орзуимиз.***

# УЛУҒЛАГАНЛАР





Владимир Черненко, академик эшкак эшиш бўйича олтин медал соҳиби

**Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш бўйича олтин медал соҳиби:**

*— Осиё ўйинлари мен учун катта омад келтирди. Энг аввало, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга ҳисса қўшганлигимдан ғурурланаман. Кўнглимдаги улкан орзулардан бири ушалди, десам хато бўлмайди. Бу ҳам бўлса юртимизда Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларнинг спортга бўлган қобилиятимизни ўстиришга қаратилган ғамхўрлик самарасидир. Қолаверса, қасаба уюшмалари спорти муҳити ўз устимда мунтазам ишлаш, маҳоратимни янада оширишга омил бўлди.*

*Эркин кураш билан 9 ёшимдан буён шуғулланаман. Ёшлигимдан отам спортга қизиқтирганлар. Бу даражага етишимда мураббийим Нурлан Жасаликовнинг муносиб хизмати бор. Устозимдаги кўп фазилатларни кўриб, ундан ибрат олишга ҳаракат қиламан. Бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда ғалаба қозониб, мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиш ниятидаман.*





Равшан РЎЗИҚУЛОВ, юнон-рум кураши бўйича кумуш медал соҳиби

**Максим КИРЬЯНОВ, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бронза медал соҳиби:**

*— Йигирма бир ёшимда халқаро мусобақада қатнашиб, совриндор бўлганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Мураббийларим Александр Пономарёв ва Олег Протопопов муваффақият қозонишим учун астойдил жон куйдиришди. Машғулотларда йўл қўйган хатоларимни тузатишимга яқиндан ёрдам беришди. Бунинг учун улардан чексиз миннатдорман. Бундан ташқари, касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан бизга яратилган шароитдан мамнунман. Ана шу ғамхўрлик янада олға интилишга ундайди.*





Жасур МАТЧОНОВ, бокс бўйича кумуш медал соҳиби

**Жасур МАТЧОНОВ, бокс бўйича Осиё ўйинлари кумуш медал соҳиби:**

*— Қўлга киритилаётган ҳар бир ғалаба юрт шаъни, шарафи билан боғлиқ эканини ҳис этишнинг ўзиёқ киши қалбини тўлқинлантиради. Шунинг учун бу йилги ғалабамни барча спортчиларимизнинг, юртимизнинг ғалабаси деб биламан. Спортнинг ушбу тури билан 10 йилдан буён шуғулланаман. Устозларим Мурод Турдиев, Шуҳрат Исроиловларнинг сабоғини оқлашга астойдил ҳаракат қилдим. Умуман бу мусобақа менда унутилмас таассурот қолдирди.*

**Равшан РЎЗИҚУЛОВ, юнон-рум кураши бўйича кумуш медал соҳиби:**

*— Бундай нуфузли ва катта мусобақадада ғалаба қозониш осон кечмади, албатта. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бундай муваффақиятга эришишимда мураббийим Комил Фатхуллиннинг, шу билан бирга касаба уюшмасининг ўзига яраша улуши бор. Уларнинг қўллаб-қувватлаши бизга куч бағишлади. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг иккинчи босқичида таҳсил олаяпман. Амакиларимнинг изидан бориб спортнинг ушбу турини танладим. Тинимсиз машқлар ва ўрганишлар натижасида бугунги қувончли дамлар иштирокчиси бўлиб турганимдан бахтиёрман. Келажакда янада кўпроқ изланиб, бундан-да юксак чўққиларни забт этиш ниятим бор.*





Гўзал ХУББИЕВА, енгил атлетика бўйича олтин ва кумуш медаллар соҳибаси

**Бекзод ХИДИРОВ, бокс бўйича бронза медал соҳиби:**

*— 2002 йилда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ва чемпионатида ҳам қатнашиб, муваффақият қозонганман. Бу йилги Осиё ўйинлари мусобақалари мен учун янаям эсда қоларли бўлди. Таиланд, Қозоғистон ва Мўғулистон вакилларини рингда мағлуб этдим.*

*Бизнинг ютуғимизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамиша муносиб тақдирлаб келган. Бугунги эътибордан ҳам жуда хурсанд бўлдим. Шу боис ҳам ўз муваффақиятимни Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ютуғи деб биламан. Ҳар доим менга кўрсатилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Келгуси йилда ўтадиган Жаҳон чемпионати ва Пекинда ўтказиладиган Олимпиада янада улкан ютуқларни тақдим этади, деган умиддаман.*



Руслан Наурзалиев, академик эшкак эшиш бўйича олтин медал соҳиби



Бекзод ХИДИРОВ, бокс бўйича бронза медал соҳиби

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

**Ислоҳот инсон учун**

***Уй-жой мулкдорлари, яъни ширкатларнинг ташкил этилгани шу соҳада ислоҳотлар кўламини кенгайтиришга ва хонадонлар ҳамда ён-атрофни ободонлаштиришга имкон бериб, одамлар масъулиятини оширди. Кўплаб бинолар мулкдорлар, ҳомийлар ҳамда яшовчиларнинг ўз кучлари билан тартибга келтирилаяпти.***

## Боқимандалик балоси

Андижон шаҳрида бу соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси тасарруфидаги 697 та кўп қаватли уйлар босқичма-босқич сифатли қилиб таъмирланаяпти. Жорий йилнинг ўзида 1991 йилгача қурилган аҳоли турар-жойларининг 64 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, кириш йўлакларига замонавий эшиклар ўрнатилди. Бу — яшовчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш қаторида улар хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Масалан, ўтган йили авваламбор хонадон эгаларининг эътиборсизлиги, қолаверса, аксарият уйларнинг кириш эшиклари яроқсизлиги сабабли электр ускуналари ҳамда бошқа жиҳозларни ўғирлаб кетиш ҳолатлари қайд этилганди. Яшовчиларнинг мулкка муносабати ўзгаргани боис аҳвол тубдан ўзгариб бораяпти.

Шундай бўлса-да, боқимандалик балоси айрим кишиларни ҳануз тарк этган эмас: иситиш тизимлари, ертўла ва уй атрофларини асраб-авайлаш ишларида масъулиятни ҳис этмасдан «бу ишларни тегишли ташкилотдагилар бажаради», дегувчилар ҳам учраб турибди. Бир мисол. «Шарқ-2000» ширкатига қарашли уйнинг ертўласида электр симлари очиқ ҳолга келиб қолганини шу ерда яшовчилар ҳар куни кўришади. Бироқ уни тартибга келтириш кераклигиги, акс ҳолда кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкинлигини ҳеч ким ўйлаб кўрмаган. Ваҳоланки, бу жойлар ярим йил аввал тўлиқ таъмирлаб берилганди.

Ёки «Андижон-Шерозий» ширкати тасарруфидаги 21а, 22-уйларнинг томидан чакка ўтишини мулкдорлар раҳбари ҳамда хонадондагилар яхши билишади. Лекин ҳамма бир-бирига қарайди, ҳамма кимлардир келиб уни тузатиб беришидан умидвор. Мавжуд 74 та ширкатларнинг яна бир қанчасида бундай ҳолатни кузатиш мумкин.

**Сирожиддин ТУРҒУНОВ,**
**Андижон шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси**

**Бандлик**

## 365 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Наманган вилояти ва туманларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 4 минг нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси мутасаддилари турдош корхоналар ҳамкорлигида йил якуни олдидан шундай тадбирни ташкил этишди. Унда «Пахтасаноат» таркибидаги корхоналар, қурилиш ва маиший ишлаб чиқариш тармоқлари, фермерлар ҳамда якка тартибдаги ишбилармонлар фаол қатнашдилар.

Меҳнат ярмаркасида бўш ўринларга даъвогар бўлиб қатнашган 478 нафар кишидан 365 нафари доимий иш билан таъминланди. 26 нафар киши касб-маҳоратини оширишга йўналтирилиб, 19 кишига вақтинчалик нафақа тайинланди. Асосий эътибор касаначиликни ривожлантиришга қаратилди. Бу соҳада Наманган шаҳри, Чуст, Косонсой, Норин ва Янгиқўрғон туманларида бой тажрибалар тўплангани сабабли ишсизлик масаласи барҳам топаётгани ва аҳолибоп маҳсулотлар турлари ишлаб чиқариш кўпаяётгани қайд этилди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**Наманган вилояти**

**Ҳомийлик**

## ШИФОХОНАГА «ДАМАС» ТОРТИҚ ҚИЛИНДИ

***Ғузор туманидаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида икки йил аввал цехлардаги эскирган дастгоҳлар ўрнига янги ускуналар ўрнатилганди. Замонавий технологияга асосланган мазкур ускуналар кам сарфлиги ва тежамкорлиги учун корхона иқтисодини мустаҳкамлашга имкон яратмоқда.***

***Тежалган маблағ ҳисобидан жамоа шартномалари бўйича ишловчиларга етарлича шароитлар яратилаяпти ва қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилмоқда. Ўтган даврда 25 нафар киши қайта ихтисослаштирилиб, иш билан таъминланди.***

***Шунингдек, «Бўстон», «Мироқи», «Қашқадарё соҳили», «Чинобод» каби сиҳатгоҳларда 16 нафар ишчи соғломлаштирилди. Бир неча йил шу корхонада меҳнат қилиб, ногирон бўлиб қолган Хонсулув Мўминовага уй-жой қуриб олишга кўмаклашилди.***

***Ҳомийлар ва шифокорлар йилида корхона атрофидаги маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда 2 та мактабдаги кам таъминланган ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ишларида ҳам жамоа ҳамиша бошқош бўлаяпти. Деҳқонобод туманидаги марказий шифохонага эса 2 та «Дамас» автомашинаси совға қилинди.***

**Тоир ТУРСУНОВ,**
**корхона касаба уюшмаси раиси**



**Тадбир**

## ҒОЛИБЛИККА МУНОСИБ АЁЛЛАР

Ёш авлод таълим-тарбиясида банд бўлганларни вақти-вақти билан рағбатлантириб бориш ҳамда улар соғлигини тиклаш борасида Тошкент туман халқ таълими бўлими маъмурияти ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Ўтган даврда ўзаро келишувлар асосида 54 нафар мураббийнинг соғлиги тикланди, 43 нафар муаллим эса моддий рағбатлантирилди.

Муаллимлар фаоллигини оширишга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Масалан, яқинда педагог аёллар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар ташкил этилган. Дастлаб мактаблараро старт олган беллашувлар кимнинг ким эканлигини ва хотин-қизларимиз ҳам ҳар соҳада бошқалардан кам эмаслигини кўрсатди. Якуний босқичда Олтинтепа ҳудудидаги 2-мактаб, Келесдан 11-, Навоий ҳудудидан 16-, 17-, 20-, 30- ҳамда 31-умумтаълим мактабларининг муаллималари ҳар жиҳатдан ўзларини намойиш этишди. Мусобақа якунида ғолиблар қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Туман касаба уюшмаси вакили Т. Мираҳмедовнинг таъкидлашича, бундай мусобақалар ўқув жараёнини яхшилашда ва аёллар фаоллигини оширишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Анвар ИРГАШЕВ,**
**Тошкент туманидаги 11-мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари мутахассиси**

## Ҳадис

*Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, бу киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: «Бир-бирларингизга ҳадялар беринглар, шунда ораларингизда муҳаббат пайдо бўлади» деган сўзларни ривоят қилдилар.*

**Имом БУХОРИЙнинг «Адаб дурдоналари» китобидан**

**Яширин цех**

## АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

Холисхонни касалхонага олиб келишганида аҳволи анча оғир эди. Оилавий поликлиникада қўйилган ташхисларнинг барчаси тўғри. Бироқ ўтказилган муолажаларнинг нега фойдаси бўлмади экан-а. Шифокорлар шу ҳақда кўп мулоҳаза юритишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бемор қалбаки дорилардан сурункали равишда фойдалангани аён бўлди. Яхшиямки, ўз соҳасини миридан-сиригача пухта ўзлаштирган шифокорлар бор, акс ҳолда Холисхон сингарилар даво топаман деб ҳаётини хавф остига қўйиши аниқ эди.

Холисхон воқеасини эшитгач, Қўқон шаҳрининг А. Султонов кўчасида яшовчи Муқаддамхон Шокироваган нима етишмас экан, деб ўйлайсиз, беихтиёр. Шаҳар солиқ инспекциясининг «Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими ходимлари томонидан унинг фаолияти ўрганилганда, хонадонида яширин цех қуриб, узоқ вақтдан буён дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланаётгани аниқланди.

Азимжон Ҳайдаров Бешарикда тадбиркорликка асос солганида унга кўплар ҳавас қилишганди. Аммо одам олаcи ичида, деган ақида ҳақ гап экан. У давлат стандартлари рўйхатидан ўтказилмаган етти турдаги дори-дармонни машинасига юклаб Қўқон шаҳрига сотиш учун отланди. Яхшиямки, ички ишлар бўлими ходимлари ўз постида ҳушёр туришган экан. Аксинча, қўлбола дорилар қанча-қанча кишиларга ташвиш келтириб, гулдек умрига завол бўлиши мумкин эди.

Ҳукуматимиз ёшларнинг касб-корлик сирларини ўрганишига катта имкониятлар яратиб берган. Яхши устоз кўрган шогирдлар аллақачон ҳаётда ўз ўрнини топиб, ҳам ўзига, ҳам одамларга наф келтираяпти. Самарқандлик ака-ука Сариевлар Қўқон меъморчилигини ўрганиш учун йўлга отланишганида қариялар ортидан дуо қилиб қолишганди. Аммо нопокнинг дили ҳам бузуқ бўларкан. Шаҳар тасарруфидаги Кўкалдош кўчасида жойлашиб олишгач, хонадон соҳиби Баҳром Умаровга мақсадларини айтишади. Қинғир иш, ташвиш келтиришини билса-да, у ҳам шерик бўлиб, ноқонуний равишда арoқ ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Мутахассислар ушбу ҳолатни аниқлашганда 201 литр истеъмолга яроқсиз спирт, 60 литр хонаки усулда тайёрланган арoқ, 1184 дона беркитиш мосламаси ва тўрт турдаги 2000 дона қалбаки акциз маркалар далилий ашё сифатида қўлга олинди.

Бир нарса кишини ўйлантиради. Сифат сертификати йўқ ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни ишлатиш саломатлик учун хатарли эканини билган ҳолда уни хуфёна равишда сотаётганларнинг шум нияти маълум. Лекин арзон нархига учиб, уни харид қилаётганларга ҳайрон қоласан киши. Йилнинг ўтган ойларида хонаки усулда тайёрланган арoқ маҳсулоти ва дори-дармонларни истеъмол қилиш оқибатида 20 нафардан зиёд кишининг ҳаёти хавф остида қолганлиги ҳам ташвишимиз ноўрин эмаслигини тасдиқлаб турибди. Қисқаси, маҳсулот сотиб олишдан аввал унинг қандай усулда тайёрлангани, ҳеч бўлмаса, кимдан ва қаердан олаётганига аҳамият берилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

**Илҳомжон ҚОДИРОВ,**
**Қўқон шаҳар ДСИ бошлиғи**

# Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк»

*Ўз акциядорларини ҳамда мижозларини, барча юртдошларни, Ватанимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларни яқинлашиб келаётган янги — 2007 йил билан чин дилдан қутлайди. Янги йилда Сизларга бахт, омад, соғлиқ ва оилавий хотиржамлик тилаймиз!*

*«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!*

*«Пахта банк» Кенгаши ва Бошқаруви*

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК» ФАОЛИЯТИГА ОИД МУҲИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

10-тартиб рақамли маълумот

**1. Банкнинг тўлиқ номи: Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк».**

**2. Банк жойлашган манзил: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.**

**3. Ўзгартиришлар амалга оширилган банкнинг бошқарув органи: АТ «Пахта Банк» Бошқаруви.**

**4.Бошқарув аъзоси этиб тайинланган ваколатли шахс:**

**Искандархўжаева Мустафшира Жалоловна — Юридик бошқармаси бошлиғи — банкнинг устав капиталида улуши мавжуд эмас.**

**5. Ўзгаришлар содир бўлган сана: 2006 йил 22 декабр.**

**6. Амалга оширилган ўзгартиришларга асос бўладиган қарорни қабул қилган ваколатли орган — АТ «Пахта Банк» Кенгаши.**

**7. Амалга оширилган ўзгартиришларга асос бўладиган қарор қабул қилинган сана ва қарорнинг рақами — 2006 йил 22 декабрдаги 31/1-сонли қарори.**

# Самарқанд вилояти «Саноатқурилишбанк»и жамоаси



*Она заминимизда яшаётган барча миллат ва элатларни яқинлашиб келаётган Янги йил ва Курбон ҳайити байрами билан муборакбод этади. Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам ўзига хос мазмун касб этади.*

*Бу йил барчамиз учун баракали бўлсин. Хонадонларимиздан тинчлик-тотувлик аримасин, барчага сиҳат-саломатлик, завқу шавққа тўла ҳаёт насиб этсин!*

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Соҳа ходимлари ва барча юртдошларимизни
Янги 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили
билан чин юракдан муборакбод этади!
Кундан-кунга гуллаб-яшнаётган
Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда
омад ва муваффақиятлар,
оилаларингизга бахт ва саодат тилаймиз!
Янги йилда Сиз азизларга доимо
аъло кайфият, қувонч ва шодлик ҳамроҳ бўлсин!

## Чўпон ҳикоялари

# Айиқ ғазаби



Куз бошланиб ҳаво совий бошлади. Ялангликда тўзон кўтарилиб кўз очиб бўлмасди. Шунинг учун қош қораймасдан қўйларни қўрага ҳайдаб келишга тўғри келди. Кутилмаганда яқин атрофда ўкирган овоз эшитилиб, итлар ҳура бошлади. Даладан ҳориб-чарчаб келишларига қарамай чўпонлар қўлларига паншаха, таёқ ва белкурак олиб ҳовлига чиқишди. Чамаси ўн-ўн икки одим нарида ғалати маҳлуқ чўнқайиб ўтирар, гоҳо ётиб олиб ғингшир ва оёғини яларди.

— Шошмай туринглар-чи, — деди кичик фермер хўжалиги мудири Раҳим амаки ҳовуридан тушиб. — Айиқнинг безовталанаётганига қараганда бир гап борга ўхшайди.

Баҳор кезлари қир-адирда қўй боқиб юриб бир тўда айиқни кўргани ёдига тушганди унинг. Йиртқичлар тоғ тепасидаги ҳарсанг тошлар оралиғини макон қилиб олишган бўлсалар-да, қўйларга ҳеч зиёни йўқ эди.

— Хўш, қўшни, нима ёрдам керак бўлиб қолди? — сўради фермер мулойимлик билан. — Ҳозир вақт тиғиз. Яхшиси, эртага кела қол.

Фермер орқасига бурилгач, қўнғир тусли айиқ худди унинг гапларига тушунгандай оқсоқланганича қоронғулик қўйнига сингиб, кўздан йироқлашди.

Тонг ёришиб қуёш бўй кўрсатганда, яна итларнинг вовуллаши авжига миниб, фермер хушёр тортди. Кўрада юмушлар билан куйманиб юрган Раҳим амаки девқомат айиққа кўзи тушди. Шунда эҳтиёт шарт тунда ўқлоғлиқ қўшотар, пичоқ ва заранг таёқларни ҳозирлаб қўйганлигидан кўнгли бироз таскин топди. Айиқ чамаси тўрт-беш одим нарида бошини қуйи эгганча мунғайиб қараб турарди. Раҳим амаки шу вақтгача жониворни бунчалар яқиндан кўрмаганлиги учун саросималаниб қолди. «Айиқ жонивор яраланган кўринади, — хаёлидан ўтказди у. — Кеча кечқурун бекорга келмаган экан». Фурсат ўтгани сайин кўнглидаги ҳадик ва хавотирлик ўрнини хотиржамлик эгаллай бошлади.

— Қани бери кел-чи, — деди у худди эски танишлардек.

Айиқ эса кўзларини ҳамон мўлтиратиб турар, олд ўнг оёғини тез-тез ялаб қўярди. Фермер ҳаяллламай унинг шишиб, йиринглай бошлаган панжалари орасини кўздан кечираркан, дарахт пайрахаси борлигини илғади ва қисқич ёрдамида суғуриб ташлади. Кейин қора дори (крамен) сурқаб, боғлаб қўйди. Шундан сўнг жонивор секин-аста тепалик томон ўрлаб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас қўрадан узоқ бўлмаган Осмонсой яйловидаги шувоқзорларда қўй боқиб юриб, Раҳим амаки айиққа тўртинчи маротаба дуч келди. У шоша-пиша итларни қўйлар олдида қолдириб, тепаликда қараб турган «таниши»нинг олдига борди. Жониворнинг боши ва елкаларини силаркан, оёғидаги увадаси чиқиб кетган эски латталарни ечиб ташлади.

— Бор энди, йўлингдан қолма, айиқ полвон, — деди унинг елкасига шапатилаб ва ортидан тикилганича қараб қолди.

Эл қўнмай, ит тинмайди. Раҳим амакининг кўзи энди уйқуга илинганида Олапар ит вовуллаб жон-жаҳд билан ҳура бошлади. Ҳаял ўтмасдан дераза орқасида ниманингдир «тап» этиб ерга тушгани эшитилди. Фермер ҳовлига чиққанида бир совлиқ ичини уриб энтикиб турар, таниш қўнғир айиқ эса танасига номутаносиб тезлик билан кетиб борарди. Кейин бегона совлиқ баланд сим тўр девор билан ўралган қўра ичидаги қўйлар яқинига маъраб боргач, чўпонлар кўплашиб сурувга қўшиб қўйишди. «Арзимас яхшилик ҳам ерда қолмас экан-да», — ўйлади шунда фермер.

Орадан кўп ўтмай қўшни отардан келган икки пўстинли чўпон йигит бехосдан совлиқни таниб қолиб, оҳ тортиб юбораёзишди.

— Сизларники бўлса узр, — деди фермер хижолат чекиб. — Ҳозироқ олиб кетишларинг мумкин. Лекин буни яқин атрофдаги қўнғир айиқ сезиб қолмасин. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлади.

Фермер уларга рост гапни айтган эди. Лекин чўпонлар тушунибми-тушунмайми қўйни олиб кетишга аҳд қилишди.

Осмонўпар баланд Бахмал тоғ этакларида қиш илиқ бўлганидан Ортиқ амаки бошлиқ қўшни отар қўйчивонлари қўйларни ой ёруғида оқшомлари шувоқзор ва юлғунзорларда боқишарди. Бир пайт не кўз билан кўрсинларки, ғалати маҳлуқ икки оёқда типпа-тик юриб, худди чўпон каби таёқ ушлаганича қўйларни оралай бошлади. Ора-орада хуштак чалиб қўярди. Итлар эса пана-панага житиб кетишганди. Йиртқич чўпонларнинг «ҳай-ҳай»лашига қулоқ солмасдан бир қўйни ўмарганича келган томонига равона бўлди. Кейин ҳам бундай нохушликлар такрорланиб турди. Бош чўпоннинг диққати ошиб, хуноб бўлганидан анча кун қўли ишга бормай юрди. Ўйлай-ўйлай охири семиз бир совлиқ эвазига чекка қишлоқда яшовчи бир танишидан гавдаси салкам ғунажиндай келадиган сиртлон итни етаклаб олиб келди.

Орадан кўп ўтмай айиқ полвон яна қўйлар атрофида пайдо бўлди. Сиртлон унга бир қараб қўйди-ю, ўрнидан қўзғалиш у ёқда турсин, ақалли ҳурмади. «Бунинг ҳам юраги дов бермади, — ўйлади бош чўпон қаҳрланиб. — Девдек айиққа бас келолмаслигига кўзи етди, шекилли».

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек йиртқич бамайлихотир қўйлар ичига оралаб ўлжа билан ортига қайта бошлади. Итнинг индамаси ёмон экан. Шу орада сиртлон кўринмай қолди. Йиртқичнинг ўйи-ёмонлик, қўйнинг ўйи-омонлик. Агар совлиқ тепалик ортидан маъраганича қўйлар ичига ўзини урмаганида чўпонлар ҳеч нимадан хабарсиз қолар эдилар. Шунда улар бирин-кетин тепалик ортига чопиб кетишди. Афтидан сиртлон жарнинг тор жойидан ўтаётган девқомат айиққа етиб олиб қўққисдан ташланган. Олишувларда қўрқмас, довюрак ит пайт пойлаб рақибининг пути орасидаги энгагини узиб олган. Йиртқич жар ичига қулаб тушиб, совлиқ омон қолган кўринади.

Чўпонлар терак бўйи келадиган чуқурликдаги жар ёқасига етиб келишганида тонг ҳам ёришиб қолганди. Маҳлуқнинг жон таслим қилганидан улар қанчалар суюнишса, териси шилиниб, қонга беланиб ётган сиртлон итни кўргач, шунчалар ачинишди. Сиртлоннинг елка ва умуртқалари устида йиртқичнинг ўткир тирноқ излари билиниб турарди. Вақт — ғанимат. Бир тўқли сўйилиб, думба қуйруғининг ярми унинг жароҳатига боғлаб қўйилди. Қолган қисми бўлак-бўлак қилиб, итга ташланди. Садоқатли ит аввалига қуйруқларини тишлаб оғзидан чиқариб ташлайверди. У сўнгги бўлакларнигина паққос туширди. Кейинчалик сиртлон ҳеч нима кўрмагандай тамоман соғайиб кетди.

Ҳаммаси яхшилик билан тугади-ю, лекин қўшни отар чўпонлари битта совлиқ деб ўн чоғли қўйдан ажралиб қолишларини сира ўйламаганликларини тан олиб, пушаймонлик билдиришди. Улар хув бирдаги икки пўстинли чўпон йигит эди.

**Абдулла САИДОВ**

## Фаолият

**Департамент ходимлари томонидан ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келинган акциз маркасиз тамаки ҳамда спиртли маҳсулотларнинг сотиш ва муомалага киритилишини олдини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

# Жиноят жазосиз қолмайди

Жумладан, тумандаги «Янгибозор» деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган текширишда Д.Холдоровага тегишли умумий нархи 416050 сўм бўлган 356 қути «Золотой лист» ва 118 қути «Море» сигарети ҳамда спиртли ичимлик маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Суриштирув чоғида у ушбу маҳсулотларни «Қўйлиқ» бозорида нотаниш шахслардан сотиб олганлиги аниқланди.

Д.Холдоровага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, «Бородонкўл» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қайтмас» маҳалласи, Тошкент-Ғазалкент автомобил йўли ёнидаги дўконда Д.Алимқулова ҳеч қандай ҳужжатларсиз спиртли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги маълум бўлди.

Текширишда 152.100 сўмлик спиртли ва 121.400 сўмлик тамаки маҳсулотлари, 140.850 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари вақтинча олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳаракат қонунга мувофиқ амалга оширилса, ушбу ҳаракатнинг эгасига ҳам, бошқаларга ҳам зарар келтирмаслиги аниқ. Аммо кўра била туриб, сифат сертификати бўлмаган, турли йўллар билан юртимизга олиб келинган маҳсулотларни сотиб, тирикчилик қилаётганлар бу маҳсулотлар кимнингдир саломатлигига путур етказишини ҳеч ўйлаб кўрадиларми? Бу саволнинг жавоби ичимиздаги қонун — виждонимизга ҳавола. Фақат шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай ноқонуний иш барибир ўз ажрини олади. Чунки, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

**У.АБДУРАХМОНОВ,**
**И.МУЛЛАЖОНОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти Юқоричирчиқ туман бўлими масъул ходимлари**




**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.

* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.





*Мурожаат учун телефонлар:*

*(8-371) 117-46-10, 276-33-51. Факс: (8-371) 276-77-20.*

**Ишбилармон-тадбиркор жаноблар ва РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИда рўйхатдан ўтган биржа аъзолари ДИҚҚАТИГА!**

Республика кўчмас мулк биржаси тизимида савдоларни ўтказиш қоидаларининг 8.2 бандига мувофиқ 2006 йилнинг 25, 26, 27, 28 ва 29 декабр кунлари РКМБ тизимида ўтказиладиган марказлашган электрон биржа савдолари савдо сессияси давлат мулклари бўйича соат 9.30. дан 12.30 гача нодавлат мулклар бўйича соат 14.30 дан 17.30 гача ўтказилишини маълум қиламиз.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси 1-а уй.**
**Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.**
**Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz.**

Лицензия: DB 001 №000004

Пири бадавлатларимиз

# 106 ЁШЛИ ХУДОЙБЕРДИ БОБО

Дўстлик туманида 51 минг аҳоли яшайди. Уларнинг 4 минг нафаридан кўпроғи пенсионер ва нафақа олувчилардир. Буларнинг 6 нафари 100 ёшдан ошган. Юз билан юзлашган Есин Розова, Шаҳри Култоева, Булук Шероваларнинг уйи ҳар байрамда йўқлаб келувчилар билан тўлиб кетади. Наврўз қишлоғида яшовчи Марзия момо Холматованинг 105 ёшга тўлиши тантанавор тус олди. Онахонни туман ҳокимлиги, қариндош-уруғлари, қишлоқдошлари қизғин табриклашди. «Халқобод» агрохизмат марказида яшовчи Худойберди бобо Туроновнинг 106 ёшга тўлиши фарзандлари, қишлоқдошлари томонидан кенг нишонланди. Шу куни вилоят ҳокимлигининг совғаси ҳам топширилди.

Биз Худойберди бобо билан суҳбат қуриш учун Халқобод қишлоғига йўл олдик. Ҳамсуҳбатим туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Рустам Жиянбеков Худойберди бобонинг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди. У Қўшработ туманига қарашли Накурт қишлоғида таваллуд топган экан. Накурт чавандозлар, ажойиб чорвадорлар, ғаллакорлар юрти. Бу қишлоқдан ўнлаб ижодкорлар етишиб чиққан. Таниқли шоир, публицист Азим Суюн ҳам шу қишлоқда туғилган. Худойберди бобо ҳар доим ўз қишлоғини ардоқлаб юради. Ҳаётнинг манзил-маъволари кўп экан. У бобони ҳар хил жабҳаларга етаклади. У Фарҳод каналини қазишда, Ангрен, Кўйтош конларини ишга туширишда, Каттақўрғон сув омборини қуришда қатнашди. Кейинги ҳаёти Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғланиб кетган экан. Бобо ҳозир «Халқобод» хўжалигида кичик ўғли Аюб билан бирга яшайди.

... Бизни оппоқ соқолли, буғдойранг, нуроний чол — Худойберди бобо, келини Дилором, невараси Лобар ва бошқалар кутиб олишди. Бобо ҳаётидан, замонамиздан беҳад хурсанд. Шу ёшга етказгани учун, оиласи, фарзандлари, дори-ломон ҳаёт учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Ҳозир бобонинг уч ўғил, тўрт қизи, 50 нафар невараси, 40 нафар чевараси бор. Зурриёдлари бир жойга жамланса, бир қишлоқ бўлади.

Ташрифимиз куни Рустам Жиянбеков отахонга ижтимоий таъминот бўлимининг совғасини топширди.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**журналист**



**Суратда: Худойберди бобо Туроновни туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Рустам Жиянбеков йўқлаб келди.**

## Сўраган экансиз?

*Маънавий зарар ва уни ундириш тартиби тўғрисида тушунча берсангиз?*
***Д.Мамадалиев,***
***Сирдарё вилояти***

**Фуқаролик Кодексининг 1021 ва 1022-моддалари айнан маънавий зарарни қоплашга қаратилган. Жумладан, 1021-моддада маънавий зарар уни етказувчининг айби билан бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади дейилган.**

**1022-моддада маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплашда жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниб суд томонидан берилади.**

**Суд маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвони мулкий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан бирга ҳам, алоҳида ҳам кўриши мумкин. Маънавий зарар учун жавобгарлик мулкий зарар мавжудлигига боғлиқ эмас.**

**Бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли маънавий зарар етказилган ҳолларда жабрланувчи уни етказганларнинг ҳаммасидан шериклик тарзида ёки алоҳида ундириш ҳуқуқига эга.**

**Маънавий зарарни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Фуқаролик Кодексининг 163-моддаси 1-қисмига асосан маънавий зарарни ундиришга ҳақидаги даъволарга муддат жорий қилинмайди.**

**Я.УМУРЗОҚОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси**




Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

# Мунажжим башорати

(25-31 декабр)

**Қўй**

Саранжом-саришталик ва ҳар бир юмушга ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорлик билан ёндошиш — сизнинг бу ҳафтадаги шиорингизга айланиши керак. Ҳар бир нарсани ҳисобга олишга ҳаракат қилинг. Ўйлаб қўйган режаларингизнинг келгусида амалга ошиши сизнинг бугунги ҳисоб-китобингизнинг аниқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Қилишингиз лозим бўлган ишларни ўз қўлига ташлаб қўйишдан ёхуд унинг бир қисмини бошқаларга юклашдан тийилинг.

**Бузоқ**

Ўзингизни кутаётган вазиятни холис баҳолаб, унга танқидий ёндошинг. Зарур бўлган тақдирда яна ҳам босиқ-вазмин кишилар билан маслаҳатлашинг. Ишда зиддиятларга тўқнаш келишдан ўзингизни асранг. Асло уйда ўтириб қолманг. Бўш вақтингизни спортга бағишланг.

**Эгизаклар**

Ушбу ҳафтада иш жойингизда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Зиддиятлардан нари юришга ҳаракат қилинг. Жуда ўзингизни кўрсатгингиз келса ҳам тилингизни тийганингиз маъқул. Бу ҳол сизнинг обрўйингизга путур етказиш эҳтимоли бор. Қўл остингиздагилар билан ҳам, раҳбарлар билан ҳам муносабатни бузиб қўймаслик пайидан бўлинг.

**Қисқичбақа**

Мувозанатни ўзингиздан қидиринг. Ана шундагина ташқи дунё билан манфаатли муносабатда бўла олишингиз мумкин. Ўзингиз ёқтирмайдиган кишилардан нари юрганингиз маъқул. Ҳозир ўз малакангизни оширишга кўпроқ вақт ажратишингиз лозим. Бирор нарсани бой бериб қўйишдан асло қўрқманг. Эҳтиёт бўлинг, шубҳали таклифларга учманг.

**Арслон**

Сизнинг бу ҳафтадаги шиорингиз — шошма-шошарликка йўл қўймасликдир. Барча муаммоларни жиддий ҳал қилинг, ўз кучингизга ишонинг, воқеалардан илгарилаб кетишдан ўзингизни тийинг. Бир қарорга келишдан олдин етти ўлчаб, бир кесишдан эринманг. Натижа тезда кўзга ташланмаса-да, охир-оқибат сиз учун самарали бўлади. Шу боис ўзингизни бутунлай ишга бағишланг.

**Паризод**

Бу ҳафта фаол ҳаракат учун жуда қулай. Сизнинг қарорларингиз, ҳатто улар таваккалчилик асосига қурилган бўлса ҳам, нафақат тўғри, ягона тўғри қарор бўлиб чиқади. Агар сиз ёлланма ишчи сифатида ишлаётган бўлсангиз, раҳбариятдан меҳнат шароитингизни яхшилашни ёки иш ҳақингизни оширишни талаб қилишингиз мумкин. Сизнинг ўз касб-корингиздаги муваффақиятларингиз талабларингизнинг ижобат бўлишини таъминлайди.

**Тарози**

Янгиликка тайёр туринг. Ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши эҳтимоли бор. Лекин ҳамма нарсанинг тез ўзгаришини кутманг, ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишга ҳам тўғри келиши мумкин. Боз устига бошқа одамларга ўз йўлларини топиб олишларига йўл-йўриқлар беришингизга ҳам тўғри келади. Сиз бунинг уддасидан чиқасиз ҳам. Бироқ аксари ишларингизни ҳафтанинг биринчи қисмида ҳал қилганингиз фойдадан ҳоли эмас. Дам олиш кунларингизни ўзингизга, яқинларингиз ва оила аъзоларингизга бағишлашни тавсия этамиз.

**Чаён**

Ҳафта у қадар омадли бўлмаслиги мумкин. Келишув ва битимларда кутилмаганда муаммолар чиқишига тайёр туринг. Ҳар бир масалага ақл-фаросат билан ёндошинг. Тиғиз вазиятлар ҳеч кераксиз пайтда асабларингизни ўйнатиб юбориши мумкин. Ўзингизни қўлга олинг. Энг яхшиси, эскириб қолган режалардан воз кечинг, имкониятдан келиб чиққан ҳолда иш тутинг.

**Ўқотар**

Ўзингизга қараганда тажрибалироқ ҳамкасбларингиз ва ишончли дўстларингизнинг маслаҳатларига иложи борича тўла-тўкис риоя қилишга интилинг. Иш юритишда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ҳақ санаб, бошингизни деворга уришдан сақланинг, бу барибир фойда бермайди. Ҳар бир қадамингизни ўлчаб босинг. Бир қарорга келишдан олдин обдон ўйланг, унинг тўғри-нотўғрилигини аниқлашдан эринманг.

**Тоғ эчкиси**

Бу ҳафтада бутун кучингизни ишга солиб, аввалдан мияда пишитиб юрган режаларингизга ўзгартиришлар киритинг. Ўз хатти-ҳаракатларингизни холис баҳолаб, лозим бўлса, феъл-атворингизни тузатиб олинг. Соч турмагингизни тартибга солишни ҳам унутманг. Қанчалик ғалати туюлмасин, соч олдиришингиз билан елкангиздан босиб турган тошдан халос бўласиз.

**Қовға**

Касб-корингизда ёки шахсий ҳаётингизда бахт қуши қўнишига шай туринг. Муҳими, ўзингизга ишонинг, келган омадни қўлдан бой берманг. Ён-атрофдагиларингизга ва яқинларингизга меҳр-оқибатли бўлинг. Ғазаб ва ғиринишлардан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг, чунки улар ишингиз ва шахсий муносабатларда панд бериши мумкин.

**Балиқ**

Турли-туман юмушларни ўз елкангизга олишдан асло чўчиманг. Уларни «ойдинда оёғингиз билан» қилиб ташлайсиз. Меҳнатга зўр берганингиз сари куч-қувватга тўлиб бораётганингизни ҳис қиласиз. Дам олиш куни яқинлашгани сайин ўзингиз ҳақингизда ҳам қайғуришингиз, жумладан, ташқи кўринишингиз, соғлиғингиз билан шуғулланишингиз мумкин.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Навбатчи - Ҳ.Жўраева
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Буюртма Г— 1415 | Тиражи: 7406

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.40

Сотувда эркин нархда 1 2 3 5 6 7 8